

## МОЛ-МУЛКНИ ХАТЛАШ ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7820916>

**Самандаров Кудрат Базарбаевич**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, подполковниги*

**Аннотация:** *Мақолада суд тергов органларининг мол-мулкни хатлашдаги амалиётини такомиллаштириш мақсадида мулкни хатлаш масаласидаги санкцияни судларга ўтказиш институтининг аҳамиятли томонлари ва бугунги кунда мол-мулкни хатлашишидаги мавжуд муаммолар кўрсатиб ўтилган.*

*Шунингдек, судларга ўтказилаётган санкцияни амалга ошириш тартиби бўйича тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати юзасидан амалиётда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олиш мақсадида бир қатор таклиф ва тавсиялар берилган.*

**Калит Сўзлар:** *мулк, терговчи, суриштирувчи, инсофли эгалик қилувчи, зарар, электрон пул, далиллар, ижро, дахлсизлик.*

2022 йилнинг 24 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармон билан ерга бўлган ҳуқуқнинг вужудга келишига асос бўлган ҳужжатларни бекор қилиш орқали ерга бўлган ҳуқуқни тугатиш, мазкур ҳужжатлар фақат суд томонидан бекор қилиниши, ердан ихтиёрий воз кечишни Ҳукумат ёки ҳокимлик қарорлари билан расмийлаштириш, юридик шахс тугатилиши билан унинг ерига бўлган ҳуқуқларини бекор қилиш каби қатор талаб ва чекловлар бекор қилинди. Шунингдек, турар жойга бўлган мулкий ҳуқуқларни амалга оширишда турар жойга нисбатан мулкий ҳуқуқларга ёки турар жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаганларни доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш, суд

томонидан турар жойга нисбатан инсофли эгалловчи деб топилган жисмоний шахсдан ушбу турар жойни унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 3 йил ўтгач натура шаклида талаб қилиб олиш бекор қилинди [1].

Шу ўринда яна бир норманинг миллий қонунчилигимизда яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54 моддасида «Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт» эканлиги белиглаб қўйилганлигини таъкидлаш лозим.

Барчамизга маълумки, мулк ҳуқуқи бу - моддий неъматларнинг конкрет шахсларга тегишлилиги (ўзлаштирилганлиги)ни мустаҳкамловчи, тартибга солувчи ва мухр-фаза қилувчи нормалар йиғиндиси; фуқаролик ҳуқуқининг асосий тартиботларидан бири. Ўзбекистон Республикаси ФКга кўра, Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг Мулк ҳуқуқи хни, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат. ЎзР Кон-ституциясининг 36-моддасига биноан, «ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли».

Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди [2].

Фуқароларнинг мулкий дахлсизлигини қонун билан кафолатланган томонларига тўхталиб ўтишда яъни муҳим нормани такдлаш керак бўлади. Бу Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонунчиликка мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш берилган бўлиб, унда мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. У ўз мол-мулкидан хўжалик фаолиятини ва қонунда тақиқланмаган

бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёхуд ҳақ эвазига бериши мумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак[3] лиги белгилаб қўйилган.

Тергов амалиётида фирибгарлик йўли билан бир шахсдан кўчмас мулкни сотиб олиб унинг пулини охиригача тўламасдан кўчмас мулкни бошқа шахсга тўлиқ пул миқдорини олган ҳолда ҳужжатларни нотариусдан тўғрилаб сотилган ҳолатлари бўйича даъво ишлари келиб тушмоқда. Лекин бу ҳолатларда етказилган мулкни ундириш масаласи бўйича сотилган кўчмас мулкни учинчи шахсдан яъни инсофли эгалловчидан ундириш масаласи очик қолмоқда. Чунки, биринчи сотган шахс пулни тўлалигича фирибгардан олмаганлиги бўйича даъво қилиб келганлиги, далилий ашё учун кўчмас мулк хатланиши лозим. Лекин бу борада кўчмас мулкларни хатлаш масаласида қонунчиликда белинган норманинг мавжудлиги, шунингдек, мулккий зарарни ундиришда учинчи инсофли эгалик қилувчи масаласи Жиноят процессуал кодексида кўрсатилган бўлишига қарамасдан мол-мулкни хатлаш масаласида очиклигича турибди.

Процессуалист олим М.В. Соколованинг фикрича “мол-мулкни хатлашда пул, шунингдек, тақдим этилувчи қимматли қоғозлар инсофли харидордан талаб қилиниши мумкин эмас” [4].

Бу борада терговчи ҳам ҳудди шу каби асосни тасдиқлаши учун инсофли эгалловчининг мулкининг дахлсизлигини унинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний таъминланишини ва гумон қилувчи ёки айбланувчининг қилмиши учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш мақсадида бир исботланиши лозим бўлган ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлади. Яъни, инсофли эгалловчи ҳақиқатдан шу мулкнинг расмий эгаси эканлигини, ҳужжатларнинг қалбакилаштирилган ёки қалбакилаштирилмаганлигини, сотиб олган шахсга пулларни тўлиқ тақдим этганлигини.

Лекин, бу исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаганидан кейин, мулккий зиённи қоплашда мол-мулкни хатлаш масаласини айнан инсофли эгалловчига ҳисобига ҳал этиш масаласининг мол-мулкни хатлашда акс этирилмаганлиги

муаммоли вазият ҳисобланади. Чунки, ўртада кўчмас мулкни сотиб, эвазига тўланиши лозим бўлган пулни тўлиқ олмаган шахснинг зарари турибди. Бу борада Республика тергов амалиётининг 2021-2022 йилги статистик маълумотини таҳлилга эътибор қаратиш жоиз. Хусусан, бир йиллик хатланган мол-мулк суммаси 201 876 893 сўмни ташкил этган бўлса, шундан 12 493 944 (46 та) сўмни ташкил этган, 6 087 949 сўмни эса ундирувга қаратилмаган маблағ ташкил этган. 2020 йилда жами 92 та, 2021 йилда 105 та, 2022 йилда 176 та мол-мулк хатланганини кўриш мумкин. Бу хатлаш йилдан йилга тергов жараёнлари учун самарали ҳаракат бўлиб бораётганини кўриш мумкин.

“Мулк ҳуқуқини тан олишга оид ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан қонун ҳужжатлари қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг қарорининг 11.2. бандига асосан:

✓ Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар қуйидагиларни эътиборга олишлари лозим:

✓ мол-мулкка эгалик қилиш ҳалол ҳисобланади, агар мол-мулкка эгалик қилишнинг асослари ғайриқонуний бўлмаса;

✓ мол-мулкка эгалик қилиш ошқора ҳисобланади, агар шахс мол-мулк унинг эгалигида эканлигини яширмаса. Шахс томонидан мол-мулкни сақлаш учун қаратилган чораларнинг кўрилиши ушбу мол-мулкни яшириш ҳисобланмайди. Мазкур қарорнинг 13 бандига кўра агар мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса ёки мулк ҳуқуқини тасдиқлашнинг бошқа имконияти бўлса, бундай ҳолда даъво талабини қаноатлантириш рад қилинади [5].

Мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги ишларда низо мавжуд бўлиб, улар даъво тартибида кўрилади ва уларда тарафлар (даъвогар ва жавобгар), шунингдек лозим бўлганда учинчи шахслар ҳам иштирок этади [6].

Назаримизда, ишни судга қадар юритишда амалга ошириладиган мол-мулкни хатлаш амалиётидаги инсофли харидорлар ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида миллий қонунчилигимизда яъни жинойт-процессуал кодексининг мол-мулкни хатлашга оид нормаларида *инсофли (харидор) эгалик қилувчи* нормасини киритиш ва уни мустаҳкамлаш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамловчи,

жинойй йўллар билан бойлик орттирувчиларни эса жавобгарликга торитишдаги яна бир муҳим қадам ҳисобланади.

Юқорида берилган таклифлар қаторида мол-мулкни ҳатлашда далилий ашё деб эътироф этилиши мумкин бўлган объектларни ҳам ҳисобга олган ҳолда қонунчиликда белгилаб қўйиш берилган эди. Шу боис жиноий йўл билан топилган пулларни (электрон пулларни) тергов депозитига ўтказишда ҳар томонга зиён тегадиган бир амалиёт ҳукм сурмоқда. Бу Банкдаги ҳисобдан қайсидир депозитга пул ўтказилганда хизмат ҳақи (услуга) учун муайян миқдорда фоиз ечиб олиниши бўлмоқда. Ўз ўрнида шунини таъкидлаш керакки, оз миқдордаги пулларда фоизлар билинмаслиги мумкин, лекин ҳисобдаги пуллар миллиондан ошганда айниқса амалиётдаги фирибгарлик, ўзлаштириш жиноятлари бўйича ҳисобга ўтказилган пуллар миқдори анча миқдорни ташкил этмоқда. Шу каби ҳолатларда фоиз миқдорини ўзи катталашиб, бир ҳисобдан иккинчисига ўтказилиб кейин жабрланувчига депозитдан ечиб бериладиган бўлса бунда ҳам фоиз ишлашни бошлайди.

Мана шу масалага ойдинлик киритиш масаласида, Хорижий давлатлар амалиёт тажрибасидан фойланиш тавсия этилади. Яъни Швецария банкига қўйилган лекин кейинчалик тергов давомида жиноий йўллар билан топилган пул маблағлари эканлиги ойдишлаштирилса, ҳисобдан пул ечишда фоиз умуман амалга оширилмайди. Чунки, ўзимизнинг ислом таълимотида ҳам фоиз харом деб берилганлигини биламиз.

Шунингдек, диний ва дунёвий билимларни ва амалий кўникмаларни миллий қонунчилигимизда акс эттириш мақсадга мувофиқ. Чунки, бу мулкий зарар кўрган фуқароларнинг ёки ташкилотларнинг зиёнини ундиришда уларга тегишли бўлган пул маблағларини бус бутунлигича эгасига қайтариш амалиётининг самарадорлигини оширади.

ЖПКнинг 290-моддаси 8-қисмида [7] мол-мулкни хатлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин суриштирувчи ёки терговчи томонидан гаров реестрига бир кун ичида тегишли ёзув киритилади, мол-мулкни хатлаш ҳақида суд ажрими чиқарилгандан кейин эса, қонунчиликка мувофиқ ваколатли бўлган органлар томонидан уч сутка ичида шундай ёзув киритилади, деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Гаров реестри тўғрисида”ги қонунига асосан гаров реестрини юритишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузурида тузиладиган ташкилот ваколатли эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Гаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 12.06.2014 йилдаги 155-сонли қарорининг 5-банди 3-қисмида тергов ва дастлабки тергов органлари, давлат солиқ ва божхона хизмати органлари томонидан гаров реестрига ёзувлар киритиш, шунингдек уларга гаров реестридан кўчирмалар бериш бепул асосда амалга оширилади деб белгилаб қўйилган.

Бироқ, бугунки кунда, амалиётда, барча хатланган мулклар ҳам гаров реестрига киритилмаяпти. Бунга сабаб, айрим терговчилар қонуннинг мазкур талабидан ҳалигача беҳабар. Қайси ташкилот гаров реестрини юритишга маъсул эканлиги тергов органларига ҳабар қилинмаган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, қонуннинг мазкур талабини бир хилда таъминлаш учун барча суриштирувчи ва терговчилар билан ўқув машғулотларини ташкил қилиб, гаров реестрини юритиш тартибини ва унга ёзув киритишга асос бўладиган ҳужжатлар борасида тушунчалар бериш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Холбеков А. Хусусий мулк дахлсизлиги – қонун устуворлигининг муҳим кафолати//<https://strategy.uz/index.php?news=1598>
2. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mulk-huquqi-uz/>
3. Ўзбекистон Республикаси “хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонун. 2012 йил 30 август.
4. *Соколова М.В.* Некоторые особенности наложения ареста на ценные бумаги на предъявителя, находящиеся у добросовестного приобретателя // Уголовное судопроизводство: стратегия развития: сборник научных трудов второй Всероссийской научно-практической конференции: научное электронное издание (2,10 МБ) - М.: Московский университет МВД России имени В.Я. Кикотя, 2018. - С. 199.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги «Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 26-сонли қарорининг 8-банди // URL: <http://www.lex.uz> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 20.04.2021).

6 Мулк ҳуқуқини тан олишга оид ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан қонун ҳужжатлари қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг қарори.

7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <http://www.lex.uz> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 06.01.2021).